

ТАЙИНЛОВ: Термиз туманига янги ҳоким тайинланди



Халқ депутатлари Термиз тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Сессияда шу кунга қадар туман ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Уринов Шухратжон Бекмахматович вазифасидан озод этилди. Туман ҳокими лавозимига Назаров Шухрат Худайбердиевич тасдиқланди.

Шухрат Назаров 1968 йил 16 апрелда Шўрчи туманида туғилган. 1991 йил Тошкент халқ хўжалиги институтини, 2002 йилда Тошкент давлат юридик институтини тугатган. Маълумоти бўйича мутахассислиги иқтисодчи, ҳуқуқшунос.

Ш.Назаров 2008-2022 йилларда Солиқ органларида турли лавозимларда фаолият юритган.

2022 йилдан буён Чирчик шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган эди.